O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 17-mart № 34-35 (3072) shanba

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## Р.Ж.Усмоновни Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Раҳмонбек Жаҳонгирович Усмонов** Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 16 март

## Тараддуд

***Навоий вилоятининг Кармана туманида Наврўз байрамини муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрилаётир. Барча жойларда кўча ва маҳаллалар, майдон ва қабристонлар тартибга келтирилиб, кўкаламзорлаштириш ва ободончилик ишлари олиб борилмоқда.***

Туман ҳокимлигининг ободонлаштириш бошқармаси томонидан баҳорда 500 минг тупдан ортиқ петунья, шафран, катарантус, шалвия каби гул ниҳоллари, 4 минг донадан зиёд манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экиш режалаштирилган. Ҳозиргача 2 минг тупдан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Туманда еттита қишлоқ фуқаролар йиғини ва қирққа яқин маҳалла мавжуд. Наврўзолди тозалик ва ободонлаштириш ишларида маҳаллалар аҳли фаол иштирок этмоқда. Айни пайтда 720 минг туп мевали, 312 минг туп манзарали дарахт кўчати ва 143 минг туп ток экиш ишлари қизғин давом этмоқда.

**(ЎзА)**

# Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси

***Шу йил 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

Сизларга яхши маълумки, кейинги вақтда Тошкент шаҳар ҳокимиятида раҳбарият янгиланди, янги раҳбар иш бошлади, ҳокимнинг биринчи муовини, бир қатор туманларнинг ҳокимлари ўзгарди, шаҳар кенгаши депутатлари таркибида ҳам ўзгаришлар бўлди, деди Президентимиз Ислом Каримов.

Албатта, бундай ўзгаришларни шиддат билан ривожланаётган замоннинг ўзи, айни вақтда халқимизнинг ошиб бораётган талабларини, керак бўлса, эҳтиёжларини таъминлаш зарурати тақозо этмоқда.

Ана шундай ўзгаришлар таъсирини ким қаерда бўлмасин, қандай лавозим ёки вазифада ишламасин — ишчи ёки хизматчи бўладими, қурувчи ёки муҳандис, тадбиркор ёки ўқитувчи бўладими — ҳар бир юртдошимиз бугун ўз мисолида сезиши, англаши табиий. Чиндан ҳам, вақт, замон ўзгариши билан ҳаёт янги-янги талабларни илгари сурмоқда. Ана шу талабларга мос ҳолда, ҳар қайси одамнинг онгу тафаккури, ишга, ҳаётга муносабати ҳам ўзгариб бориши зарур. Акс ҳолда, унинг ўзи ҳам, у мансуб бўлган жамоа, охир-оқибатда эса халқ ва мамлакат ҳам қолоқликка юз тутиши, жаҳон тараққиётидан четда қолиши муқаррар.

Айниқса, замоннинг юриши, ўзгариши билан аввало раҳбарлар, етакчилар ўзгариши керак. Биз XXI аср — интеллектуал тараққиёт асри, деб кўп гапирамиз. Модомики, шундай экан, бугунги кунда раҳбар нафақат аниқ бир касб-ҳунарнинг эгаси, аввало ўзининг фаолияти ва инсонийлиги билан халқнинг ишончига муносиб бўлиши, юксак интеллектуал тафаккур соҳиби, узоқни кўра оладиган, доимо янгиликка интилиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшайдиган, қатъиятли шахс бўлиши лозим.

Шу маънода, буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир одам минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишидан афзалдир» деган сўзлари менга худдики айнан бугунги кунимиз учун айтилгандек туюлади, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Тошкент шаҳри — мустақил давлатимизнинг пойтахти, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонимизнинг юраги, Ўзбекистонимизнинг юзидир. Барчамиз Тошкентнинг бошқалар учун доимо намуна бўлишини истаймиз ва бундай юксак мақсадни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз, деб ўз фикрини давом эттирди давлатимиз раҳбари.

Айни шунинг учун Тошкент шаҳрини бошқарадиган, унинг ўта мураккаб, ҳеч қайси ҳудуд билан қиёслаб бўлмайдиган хўжалигини тебратадиган, бу ерда яшайдиган миллион-миллион одамларнинг, катта бўладими, кичик бўладими, эҳтиёжларини қондиришга масъул бўлган шахсга нисбатан талаб ҳам албатта бошқача бўлиши ўз-ўзидан равшан.

Айтиш жоизки, Тошкент мустақиллик йилларида мислсиз даражада ўзгариб, янгиланиб, олдин тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган марраларни эгаллаб бормоқда. Энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар, гўзал бино ва иншоотлар, турар-жойлар, янги-янги олий ўқув юртлари, таълим ва шифо масканлари, магистрал кўча ва проспектлар, муҳташам кўприклар, боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Тошкентнинг салоҳияти тобора ортиб, унинг чеҳраси, қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, азим пойтахтимизнинг нафақат Ўзбекистон, балки бутун Шарқ минтақасидаги обод ва гўзал шаҳарга айланиб, ўзгаларнинг ҳавасини, халқимизнинг ғурур-ифтихори ва севгисини уйғотиб, жадал ривожланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Бугунги кунда Тошкентимиз, айтиш мумкинки, ўзининг илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳасидаги улкан имкониятлари, қолаверса, чиройи ва бетакрорлиги билан жаҳон жамоатчилиги эътиборини ўзига тортиб келаётганига, турли халқаро учрашув ва саммитлар, форум ва анжуманлар ўтказиладиган йирик марказга айланиб бораётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Хусусан, 2010 йили пойтахтимизда бўлиб ўтган Осиё тараққиёт банки бошқарувчилар кенгашининг мажлиси, 2011 йилда тиббиёт соҳасининг долзарб масалалари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти иштирокида ўтказилган симпозиум ҳамда 2012 йил феврал ойида таълим ва тараққиёт мавзусига бағишланган нуфузли халқаро конференция бу фикрнинг яққол далилидир.

Пойтахтимиз аҳлининг фидокорона меҳнати билан ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида қўлга киритилаётган ютуқ ва марралар мамлакатимизнинг умумий ривожланиш суръатларини оширишда муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганини ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 14 фоиздан ортиғи, саноат маҳсулоти ҳамда ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 20 фоизи айнан Тошкент шаҳрининг улушига тўғри келаётгани унинг катта иқтисодий имкониятларга эга эканидан далолат беради, деди Ислом Каримов.

Сўнгги уч йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 1,4 баробар, саноат маҳсулотлари ҳажми 1,4 баробардан зиёд, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 1,5 баробар ўсгани шаҳар иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Тошкент шаҳри доимо ўзининг улкан ишлаб чиқариш салоҳияти, юксак малакали муҳандис-техник ходимлари, олим ва мутахассислари, ички ва ташқи бозоримизда харидоргир маҳсулотлари билан наинки мамлакатимиз, балки бутун минтақа иқтисодиётида етакчи ўрин тутиб келади. Кейинги йилларда иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли Тошкентнинг бу борадаги имкониятлари тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда бу ердаги корхоналарда уч мингдан зиёд турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётгани бу фикрни тасдиқлайди.

Биргина маҳаллийлаштириш дастури доирасида шаҳардаги корхоналар томонидан 100 га яқин янги маҳсулот турлари ўзлаштирилди ва 4 триллион 300 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. 2011 йилда ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорти 2009 йилга нисбатан 1,4 баробар ўсганини қайд этиш жоиз.

Ўтган уч йил давомида Тошкент шаҳрида 1 миллиард 500 миллион доллардан ортиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди, 35 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлар якунига етказилди.

Тошкент кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳам йирик марказига айланиб бормоқда. Бу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 49,9 фоиздан 2011 йилда 53,1 фоизга етгани алоҳида диққатга сазовор. Энг муҳими, айни шу соҳа ривожи ҳисобидан қарийб 60 мингта янги иш ўрни яратилди. Бу эса жами янги иш ўринларининг 72,8 фоизини ташкил этади.

Тошкент шаҳар иқтисодиётида муҳим рол ўйнайдиган хизмат кўрсатиш соҳасини оладиган бўлсак, охирги уч йилда пуллик хизматлар ҳажми 1,6 баробар ўсганини қайд этиш ўринлидир.

Мамлакатимизнинг энг йирик банклари, уларнинг шаҳар ва туман филиаллари фаолият юритаётган пойтахтимизда ишни замонавий асосда ташкил этишга катта эътибор қаратилаётгани туфайли бу соҳадаги хизмат сифати ва самарадорлиги ошиб бормоқда.

Шулар қаторида техник ва технологик жиҳатдан яхши жиҳозланган, биржа операцияларини реал вақт режимида амалга оширадиган Ўрта Осиёдаги энг йирик товар-хомашё биржаси, қимматли қоғозлар ҳамда валюта биржалари, суғурта, лизинг, аудиторлик компаниялари Тошкентнинг йирик молиявий марказ сифатидаги нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради.

Транспорт инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қулай имкониятлар яратиш мақсадида Кичик ҳалқа йўлида кўприк ва йўл ўтказгичлар, 6 ва 8 полосали магистрал йўллар қурилди ва фойдаланишга топширилди. Фақат 2011 йилнинг ўзида Амир Темур, Алишер Навоий, Беруний, Шаҳрисабз ва бошқа ўнлаб кўчаларда кенг кўламли таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, аҳоли соғлиғини сақлаш, фан, таълим, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳалар бўйича ҳам Тошкент шаҳри етакчи ўрин эгаллаб келаётгани ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман, деди Президентимиз.

Таълим-тарбия соҳасини оладиган бўлсак, пойтахтимизда энг юксак жаҳон талабларига жавоб берадиган, жумладан, дунёдаги кўзга кўринган университетлар билан ҳамкорликда ташкил этилган, мустаҳкам моддий-техник базага эга бўлган олий ўқув юртлари — Вестминстер университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Москва давлат университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Губкин номидаги Россия нефт ва газ университетининг филиаллари фаолият кўрсатаётгани, шунингдек, Буюк Британиянинг машҳур Кембриж университети билан тузилган шартнома асосида Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази барпо этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, бу борадаги бошқа ишларимиз — яъни, яратилган шароитига кўра олий ўқув юртларидан кам бўлмаган лицей ва коллежлар, мактаблар барпо этиш бўладими, уларни замонавий жиҳозлар ва ўқув воситалари билан таъминлаш, янги таълим стандартлари ва услубларини жорий этиш бўладими, бу билим масканларининг корхоналаримизни малакали кадрлар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қўшаётган ҳиссаси бўладими — буларнинг барчаси одамнинг ғурури ва ҳавасини тортадиган баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилаётганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Бутун дунёга машҳур «Женерал Моторс» компанияси билан биргаликда ташкил этилган, нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда ягона бўлган, автомобил двигателлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхонада яқинда ана шундай билимли ва малакали ёшлар билан учрашганимда мен бунга яна ва яна бир бор иқрор бўлдим. Илм-фаннинг сўнгги ютуқлари негизида яратилган, компютер дастурлари асосида бошқариладиган, энг нозик деталларни ишлаб чиқарадиган мураккаб технологияларни пухта ўзлаштириб олган фарзандларимизни кўриб, улар билан суҳбатлашиб, уларнинг ёниб турган кўзларига боқиб, худдики ўзимнинг болаларимнинг ютуғини кўргандек қувонганим ҳеч қачон хаёлимдан чиқмайди. Бундай ёшлар билан танишиб, уларнинг иш самарасини кўрган ҳар қандай одам Ўзбекистон бугун ҳақиқатан ҳам тараққиётнинг янги босқичига кўтарилаётганини беихтиёр ҳис қилади, деди Юртбошимиз ва қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади.

*(Давоми 2-бетда).*

# Эзгу ва олийжаноб мақсадлар йўлида

***2012 йилнинг 15 март куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўқув марказида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлиги» мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда давлат ва ҳокимият идоралари, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар. Улар томонидан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишда самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш йўналишидаги вазифалар белгилаб олинди.***

— Ватанимиз Мустақиллигининг илк кунлариданоқ мамлакатимизда оилага алоҳида эътибор қаратиш ва оила институтини ривожлантириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди, — деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева. — Давлатимиз раҳбари бошчилигида соғлом оила, соғлом жамиятни ривожлантириш йўналишида ҳеч бир мамлакатда бўлмаган ёндашув асосида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жаҳон ҳамжамияти томонидан «Ўзбек модели» дея тан олинган мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш негизини ташкил этган 5 тамойилдан бири — кучли ижтимоий ҳимоя масаласига жамият тараққиётининг ҳар бир жабҳасида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда айниқса, ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурлари орқали оилалар ижтимоий ҳимоясининг доимий равишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари диққат марказида бўлишига эришилмоқда. Оилаларни маҳалла институти орқали қўллаб-қувватлаш тизимининг йўлга қўйилиши ёш оилаларни ҳаётнинг турли қийинчиликларини енгиб ўтиши, мустаҳкам оёққа туриб олишларида зарур кўмак ва маслаҳат бериш имконини кенгайтирди.

1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши ва шу асосда қабул қилинган Давлат дастури мамлакатимизда оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтаришда муҳим қадам бўлди. Оиланинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида шу йили Оила Кодекси қабул қилинди. «Оила» илмий-амалий марказининг ташкил этилиши бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш имконини берди.

Мамлакатимизда «Соғлом она — соғлом бола» тамойили асосида амалга оширилаётган ишларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилгани, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасида қўлга киритилган улкан ютуқларни ҳеч муболағасиз оилалар саломатлигига кўрсатилаётган эътиборнинг юксак намунасидир.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда фертиль ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, хотин-қизлар ва болаларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро стандартлар амалиётга жорий этилди. Оилада тиббий маданиятни оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган изчил ишлар натижасида болаларнинг юқумли касалликларга қарши босқичма-босқич эмлаш тизими яратилди. Ҳар йили бу тадбир билан мамлакатимиздаги болалар юз фоиз қамраб олинмоқда. Натижада дифтерия, қоқшол, полиомиелит каби қатор юқумли касалликларга бутунлай барҳам берилди.

Вилоятларда она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Она ва бола скрининг марказлари тармоғи ишга туширилгач, 2000 йилдан буён мамлакатимизда ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 1,7 баробардан зиёдга камайди.

Қишлоқ жойлардаги барча ҳомиладор аёллар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан соғлом наслни шакллантириш учун зарур поливитаминлар билан таъминланмоқда.

Ўзбекистон жорий йилда «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади.

Ўтган йили ноябр ойида пойтахтимизда ўтказилган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиумда атоқли хорижий олимлар ва тиббиёт оламининг етук мутахассислари томонидан мамлакатимизда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистонда яратилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш модели эътироф этилиб, юксак баҳоланди.

Таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам оилаларнинг, уларда тарбия топаётган фарзандларнинг дунёқараши, билим даражаси юксалишига хизмат қилмоқда.

Болалар манфаатларини таъминлашга қаратилган махсус дастурларнинг қабул қилиниши, уларда имконияти чекланган болаларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилиши бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширмоқда.

Юқорида таъкидланган ишларнинг барчаси инсон манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Бу борадаги ишларга эътиборни янада кучайтириш, уларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида 2012 йил Давлатимиз раҳбари томонидан «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинди.

Чунки, муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда:

**«Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор бўлади».**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан тасдиқланган **«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастуридан** мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш,

2012 йил — Мустаҳкам оила йили



ҳимоясини кучайтириш, зарур имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, уй-жой билан таъминлаш каби муҳим тадбирлар ўрин олган.

Давлат дастурида бу каби эзгу ва хайрли ишларга катта миқдордаги маблағ йўналтирилгани мамлакатимизда инсон омили ва унинг манфаатларини таъминлашга бўлган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Дастурдан жамиятимизнинг муҳим бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий базани замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш, ёш оилалар тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, уй-жой билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Маҳалла институтини такомиллаштириш, маҳаллаларда янги иш ўринлари яратиш, бунда якка тадбиркорларга солиқ тўловларида имтиёзлар кўламини кенгайтириш, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёлғиз кексаларга зарур ёрдамлар кўрсатишга эътиборни кучайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида «Ота-оналар университети»ни ташкил этиш каби кенг қамровли ишларга алоҳида эътибор қаратилган.

Таъкидлаш зарурки, Давлат дастурида оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ижтимоий-маиший шароитларини янада яхшилаш, бунда оила мустаҳкамлигини таъминлашда асосий юкни ўз зиммасига олиб келаётган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш масалалари акс этган. «Соғлом она — соғлом бола» тамойили асосида оналик ва болалик муҳофазасини кучайтириш масалаларига бағишланган тадбирлар қаторидан фертиль ёшдаги аёлларни, шунингдек, болаларни юз фоиз қамраб олган ҳолда соғломлаштириш ҳафталикларини ўтказиш, ОИТСнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни янада кучайтириш, ёш оилаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшлар ва ёш оилалар ўртасида соғлом оилани шакллантириш, соғлом болани дунёга келтириш ва тарбиялашга бағишланган тарғибот ишларини кенгайтириш, болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш билан тўлиқ қамраб олишга бўлган эътиборни ошириш тадбирлари ўрин олган.

Шунингдек, ҳомиладор аёлларни витаминлар мажмуи билан 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларни зарур витаминлар билан таъминлаш, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг талаба ва ўқувчиларини сифатли тиббий кўрикдан ўтказиш масалаларига эътиборни кучайтириш, аёлларни онкологик хасталиклар бўйича текширувдан ўтказиш, 500 нафар аёлни, 1000 нафар она ва болани касаба уюшмалари санаторийларида соғломлаштириш, 200 та ёш оилага касаба уюшмалари сиҳатгоҳларига имтиёзли йўлланмалар ажратиш, қишлоқ жойларида яшовчи 5 мингта оилани санаторийларда тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари режалаштирилган.

*(Давоми 3-бетда).*

**Анжуман**

***Жиззахда вилоят КУТБКнинг навбатдан ташқари V йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят касаба уюшма ташкилотларининг «ЎзКУФК фаолиятининг 2011 йил якунлари ва 2012 йилдаги устувор йўналишлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.***

***Бирлашма кенгаши раиси Н.Пардаев таъкидлаганидек, Бош келишувнинг тузилиши давлат, хўжалик ташкилотлари ва иш берувчилар олдида барча босқичдаги касаба уюшмаларининг нуфузини оширди.***

***Вилоятда давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўнга яқин қўшма тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Бундай ижтимоий шериклик тобора ривожланяпти.***

# Ишчанлик, қатъият ва фидойилик

## устувор вазифаларни таъминлашда муҳим омил

Бирлашма кенгаши ҳисобида турган 7670 та хўжалик юритувчи субъектнинг 6929 тасида жамоа шартномаси тузилди. Шунингдек, битта ҳудудий-минтақавий, 16 та тармоқ келишуви, 23 та туман (шаҳар) миқёсидаги ҳудудий-тармоқ келишувларига кўра 167.729 ходимнинг бандлик, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазасига оид ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, интеллектуал манфаатлари қамраб олинди. Жамоа шартномалари орқали ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори 228.100 сўмни ташкил этди.

Нодавлат сектор ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, шунингдек, аъзолик афзалликларини асослаш борасида ҳам муайян ютуқлар бор. Бугунга келиб, 6325 та нодавлат секторида касаба уюшма ташкилотлари фаолият юритяпти. Иш ҳақи бўйича иш берувчиларга 125 та талабнома билан чиқилиб, 1964,7 миллион сўм, маҳаллий ҳокимият органларига 7 та расмий талабнома орқали 170 миллион сўм қарз ундирилди. Касаначилик бўйича тузилган меҳнат шартномалари 3174 тани ташкил этди.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кам таъминланган 348 та оила фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар хариди харажатлари қисман қопланди. Фарзандлари 2-3 ёшгача бўлган ёш оналарнинг 158 нафарига 19,8 миллион сўмлик, кам таъминланган 613 оилага 38,2 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Олийгоҳларда таҳсил олаётган 23 нафар талабага шартнома пули қисман тўлаб берилди.

Ходимнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқини суд орқали ҳимоялаш амалиёти тобора кенг қамров касб этаётир. Беш киши суд қарорига асосан ўз ишига қайта тикланди ва 3.807.528 сўм миқдорида иш ҳақи, 1.139.119 сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Меҳнат муҳофазаси юзасидан жамоа шартномалари битимларида режалаштирилган тадбирларга 1 миллиард 60 миллион сўм маблағ сарфланди ёки бу кўрсаткич ҳар бир ходимга 5358 сўмга тўғри келди. 356 та хўжалик юритувчи субъект фаолияти ўрганилиб, меҳнат муҳофазасига оид аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан 2446 та меъёрий бузилишлар юзасидан тақдимнома киритилди. Корхоналарнинг юқори бошқарув идораларига ҳамда давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларга чора кўриш учун 13 та таклиф ҳужжатлари киритилди. Ишлаб чиқаришда жароҳат олган ёки боқувчисини йўқотган оилаларга 91 та ҳуқуқий маслаҳат берилиб, 91 миллион сўм миқдорида товон пули ундириб берилди. У ёки бу ҳолатда шикастланиш натижасида етказилган зарарнинг иш берувчи томонидан қопланиши юзасидан 13 ҳолатдаги суд жараёни жабрланувчилар фойдасига ҳал этилди. Меҳнат муҳофазасида уч босқичли маъмурий жамоат назорати ўтган йили 34 та жамоада йўлга қўйилди.

2011 йили ижтимоий суғурта бюджетининг даромад қисми режадагидан ошириб бажарилди. Ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш учун 185,4 миллион сўм сарфланиб, 369 та санаторий йўлланмалари олинди. Болалар оромгоҳлари учун жами 530,1 миллион сўм, жумладан, ижтимоий суғурта ҳисобидан 36,5 миллион сўм маблағ харж бўлди. Мавжуд 58 та оромгоҳда 8412 нафар бола соғломлаштирилди. Мавсумда кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож, кўп болали оилалар фарзандларини соғломлаштиришга эътибор қаратилди. Жумладан, 32-махсус мактаб-интернатнинг 50 нафар, форишлик яйлов чўпонларининг 38 нафар, кам таъминланган оилаларнинг 430 нафар фарзанди, яна қорақалпоғистонлик 30 нафар болалар бепул ҳордиқ чиқаришди.

Ютуқлар билан бир қаторда ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Айниқса, АСМ тизимидаги касаба уюшмалари фаолиятида кескин бурилиш ясаш муҳим.

Музокарада сўзга чиққан вилоят таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Ё.Рустамов, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари вилоят кенгаши раиси А.Каримов ва бошқалар юзага келган муаммолар ҳамда улар ечими хусусида алоҳида тўхталиб, ишчанлик, қатъият, фидойилик устувор вазифаларни таъминлашда муҳим омил эканлигини таъкидлашди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**



**Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Шўрчи туманидаги «Ёш ғайрат» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида 45 та уй қуриб битказилди.**

## Янги уйлар муборак!

Натижада Шўрчидаги 45 та оиланинг турар жойга бўлган эҳтиёжи қондирилди. Барча қулайликлари мавжуд бу уйларнинг 10 таси 2 қаватдан 4 хонали, 22 таси беш хонали, 13 таси 4 хонали бўлиб, уларни тез, сифатли ҳамда кўркам қилиб барпо этишда «Шўрчи махсус қурилиш таъмир», «Дилшер ТШЭ» Худойназар хусусий фирмалари қурувчиларининг ҳиссаси катта.

«Ёш ғайрат» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қад ростлаган бу биноларга Тоир Абзоиров, Инобат Юлдошева, Анвар Менгбоев сингари тадбиркор, қурувчи, шифокор, банк ходими, ўқитувчи сингари турли касб эгалари кўчиб ўтиб, ҳовли тўйлари ўтказишмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг қарори билан жойларда аҳоли учун якка тартибдаги янги уй-жойлар қурилиши ҳақида эшитиб, хурсанд бўлган ва шу уйлардан бирида яшашни орзу қилгандим. Бугун орзуим ушалди, — дейди кўп тармоқли поликлиника шифокори Инобат Юлдошева.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Истиқлол инъоми

***Байрам муносабати билан Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари бирлашган касаба уюшма ташкилоти ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тантанали тадбирда соҳада фидойилик кўрсатган хотин-қизларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.***



— 37 йилдан бери элимиз тинчлиги йўлида хизмат қилиб келмоқдаман, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ муҳандиси Гулсара Рустамова. — Юртимизда аёлларнинг мавқеи мустаҳкамланиб, жамиятда тутган ўрни йилдан-йилга юксалиб бораётганига бугунги тадбир чоғида яна бир бор амин бўлдим. Камтарона меҳнатим қадрланганини юрагимни чексиз ғурур ва ифтихорга тўлдирди.

Биз билан суҳбатда кўп йиллардан буён Тошкент шаҳар ҳокимликлари ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитасида фаолият олиб бораётган Маҳсума Эргашева ҳам бу каби рағбатдан беҳад хурсанд эканлигини яшириб ўтирмади.

— Инсон меҳнатининг рўёби ҳеч бир инсонни ҳаяжонлантирмасдан, тўлқинлантирмасдан қўймайди, — дейди у. — Давлатимиз томонидан аёлларга яратилаётган шарт-шароитлар, аёллар билан эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, шунингдек, жамиятда аёлларнинг нуфузи тобора ошиб бораётгани истиқлолнинг бизга берган яна бир улуғ инъоми деб биламан.

Тадбир қатнашчилари учун «Имкон» спектакли намойиш этилди.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**



# «Чимён» санаторийси

## масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*Меҳнаткаш халқимизни ва*
*соҳа ходимларини яшариш,*
*янгиланиш айёми – Наврўзи*
*олам билан муборакбод этади.*
*Барчангизга бахт-саодат, омад,*
*мустаҳкам соғлик, баҳорий*
*гўзаллик ҳамроҳ бўлсин!*
*Хонадонларингиздан файзу*
*барака ва нур аримасин!*



Касаба уюшма оталиғидаги соҳа

# Ургут бозоридан – жаҳон бозорига

***Туманимизда 57738 та хонадон мавжуд. Аҳолимизнинг қўшимча даромад манбаи асосан томорқа саналади. Фуқароларимиз томорқадан самарали фойдаланишнинг турли усулларини излаб кўришяпти. Ҳамқишлоқларим хонадонларида 1120 уя асалари парваришланмоқда. Негаки, Ургут табиати бу беозор ҳашаротнинг кўпайиши учун жуда мос. Ҳам даромад, ҳам шифобахш неъматга эгалик истагида бўлган кишилар сони кундан кунга кўпайиб бораяпти.***

Аниқ ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда яна 700 оилада асалари уясини кўпайтириш чора-тадбирлари кўриляпти. Қадим аждодларимиз ҳар доим томорқа юмушларини ернинг табиий шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда ташкил этган. Халқимиз бу анъанани давом эттирган ҳолда, томорқа деҳқончилигини интенсивлаштириб келмоқда. Бизнинг Ургутда ток ўстирмаган, узум-майиз етиштирмаётган хонадон йўқ, ҳисоб. Амалдаги йилда оилалардаги токлар сонини яна 64856,7 тупга кўпайтириш мўлжалланаяпти. Ўзим истиқомат қилаётган «Чоштепа» МФЙ ҳудуди тоғли-адирли маскан саналади. Шу боис ҳам узум ва майиз етиштиришда муайян тажриба тўпланган. Хусусан, ўзимнинг хонадонимда 200 тупга яқин ток кўчатларини парваришлаб келаяпман. Йилнинг келишига қараб 400 килограмдан 1-1,5 тоннагача майиз оламиз. Сара майизнинг килосини бозорда 25-30 минг сўмгача сотамиз. Биргина токнинг ўзидан оладиган даромадимиз бадастир ҳаёт кечириш имконини беради. Одатда ҳамма нарса иқтисодга бориб тақалади. Рўзғордан ортган даромадни сандиққа тиқаётганлар ҳам оз эмас. Лекин бизнинг оиламиз анъанаси сал бошқачароқ. Эҳтиёжимиздан зиёдини хайрли, савобли ишларга сарфлашни маъқул кўрамиз. Ортиқча маблағларимни йиғиб Чоштепа маҳалласига олиб келадиган йўлни тўла таъмирлаб бердим. Шунингдек, маҳалла марказини қурилишига бош-қош бўлдим, иккита кўприк қурдим. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган хонадонларга имкон қадар кўмак кўрсатиб келаяпман.

Гапнинг рости машойихларимиз айтишганидек, ўнг қўлинг билан қилган хайрли ишингни чап қўлинг сезмаслиги керак. Гарчанд озгина нокамтарликка берилсам-да, савобли ишларга ҳисса қўшаётганимни тилга олиб ўтдим.

Хўш, бугун ургутлик томорқа соҳибларини нима қийнаяпти? Очиғи, уруғлик масаласида ҳеч қандай муаммо йўқ. Ҳокимият томонидан ташкил этилган 6 та «Дамас» русумли кўчма савдо дўконлари кунда-кунора қишлоқларда бўлиб, аҳоли эҳтиёжини тўла қаноатлантириб келаяпти. Уларда афзаллик бисёр. Терминал ўрнатилган. Шунингдек, туманимизда томорқага ихлос қўйганлар учун қўшимча 45 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган. Ҳар бир хонадон соҳиби паспорт ва маҳалла маълумотномаси асосида эҳтиёжига яраша маблағ билан таъминланади. Давлатимизнинг бундай ғамхўрлигидан халқимиз беҳад мамнун бўлмоқда.

Туманимиздаги юзлаб хонадонларнинг етти хазинанинг бири бўлмиш парранда билан таъминланиши маъмурчиликнинг янада ошишига хизмат қилади.

Бугун уйим обод, дастурхоним сероб бўлсин, деганлар қўллаб-қувватланаяпти. Биздан талаб этилаётгани яхши ният. Буни ургутликлар юракдан ҳис этишмоқда. Кунлар исиши билан Ургутнинг томорқа хўжаликларида дунё бозорларини безайдиган сара замин неъматларини етиштириш бошланади. Чунки куз, қиш ойларида бунга етарли шароит яратиб берилган эди.

**Одил РАҲМОНОВ,**
**АСМ ходимлари касаба уюшмаси Ургут туман кенгаши аъзоси**

***Президентимиз томонидан 2012 йилнинг Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинганлиги жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оилага эътиборнинг юксак намунаси бўлди. Хўш, оила мустаҳкамлиги кўпроқ нималарга боғлиқ? Бизнингча, оила аъзоларининг юксак маънавияти, фойдали юмуш билан машғул бўлиши бу борада муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишга қаратилаётган эътибор замирида айни шу мақсад мужассам десак хато бўлмайди.***

# Тўкинлик асоси

Туманимизда 7 та қишлоқ ва 52 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, 25845 та хонадон истиқомат қилади. Хонадонларга қарашли томорқа ерлари 3613 гектарни ташкил этади. Жорий йилда шунинг 1120 гектарига сабзавот, 1200 гектарига ғалла, 27 гектарига полиз, 880 гектарига картошка, 480 гектарига бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экиш мўлжалланган. Аҳоли ихтиёрида 400 гектар боғ ва 516 гектар токзор ҳам мавжуд. 2012 йилда томорқа соҳиблари томонидан 76,6 минг тонна сабзавот, 44,2 минг тонна картошка, 2,4 минг тонна полиз, 3,4 минг тонна мева, 8,9 минг тонна узум, 13,4 минг тонна гўшт, 47,2 минг тонна сут, 18,8 миллион дона тухум маҳсулотлари етиштириш кўзда тутилган.

Бу борада юқори натижага эришиш, режаларни ортиғи билан бажариш ўз-ўзидан амалга ошмайди. Ҳар бир дамдан унумли фойдаланиш, сидқидилдан меҳнат қилиш талаб этилади. Энг муҳими, бу юмушдан ҳеч ким четда турмаслиги, ўқитувчи ёки шифокор, раҳбар ёки мутахассис бўладими, эл фаровонлиги, дастурхонларимиз тўкин-сочинлиги йўлида астойдил меҳнат қилиши зарур. Касаба уюшма фаоллари бутун диққат-эътиборларини ана шу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратганлар.

**Ғулом ЎРОЛОВ,**
**Халқ депутатлари Булунғур туман кенгаши депутати, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси**

Бизга қўнғироқ қилинг

***Фарғона шаҳар 1-кўп тармоқли поликлиникаси шифокори А.Мўминов Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ташкил этилган «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилиб, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинишининг қонунийлигини ўрганиб чиқишни сўради. Текшириш давомида меҳнат шартномасини бекор қилишда иш берувчи томонидан қонун талаблари бузилганлиги аниқланди. Бирлашма кенгашининг тақдимномасига асосан А. Мўминов ишга тикланди.***

# Меҳнат кодекси талаб қилади

Шунингдек, Фарғона шаҳар 36-мактабгача таълим муассасаси омборчиси Л. Югай бошқа ишга ўтказилганлигидан норозилигини билдирган. Ваҳоланки, МКнинг 92-моддасида ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга — унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишни топширишга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилиши белгилаб қўйилган.

Агар объектив сабабларга кўра меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган вазифаси доирасида ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни таклиф этиши керак. Ходим бажараётган ишига ёки эгаллаб турган лавозимига номувофиқ бўлса, мутахассислиги бўйича бир мунча кам малака талаб этиладиган бундай иш бўлмаган тақдирда корхонада мавжуд бўлган бошқа ишга таклиф этилиши шарт.

Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирдагина, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин.

Л. Югай билан бўлган ҳолатда эса мазкур талабларга амал қилинмаган. Муассаса раҳбарияти билан бўлган суҳбатдан сўнг ходим омборчи лавозимида фаолиятини давом эттирмоқда.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлими фаолиятида бунга ўхшаш мисоллар кўп. Фуқароларнинг меҳнат қонунчилигига оид ҳуқуқ ва манфаатларини бузилиши аниқланганда, тақдимнома киритиш ёки фуқаролик судларида даво қўзғаш орқали қонунбузилишлар бартараф этилмоқда.

**Иброҳимжон ТОШПЎЛАТОВ,**
**Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлими мудири**

Тадбир

# Осон, тез, қулай

***«Электр ҳисоб» дастурий таъминот истеъмолчи фойдаланган электр энергияси тўғрисидаги маълумотларни йиғиш жараёнини тўғри ташкил этиш ва фойдаланилган электр энергияси учун деталлаштирилган ҳолда холисона ҳисоб-китоб қилиш имконини беради.***

«Ўзбекэнерго» ДАК томонидан ташкил этилган «Истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергиясини ҳисоб-китоб қилиш бўйича дастурий таъминот» мавзуидаги тадбирда шу ҳақда гапирилди.

Шунингдек, мазкур дастур етказиб берилган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида ва самарали йиғиш, фойдаланилган электр энергияси учун истеъмолчига қулай тўлов турларини тақдим этади. Эндиликда истеъмолчи тўловларни қуйидаги автоматлаштирилган тизим орқали тижорат банкларининг тўлов тизими, «Ўзбекистон почтаси», PAYNET ва SMS тўлов орқали амалга ошириши мумкин.

Масалан, мижозлар SMS тўлов орқали бир қанча қулайликларга эга бўлади. Яъни, нақд ва пул ўтказмалари орқали амалга ошириладиган барча тўловлар шахсий уяли телефон тармоғи орқали бажарилади. Истеъмолчи уйда ёки иш жойидан ҳам мобил телефондан SMS тўлов орқали тўловлар ва харидларни бажариши мумкин.

«Электр ҳисоб» дастури замонавий бошқарув тизими ва дастурлаш услублари ёрдамида ишлаб чиқилган бўлиб, келгусида функционал имкониятларини янада оширади. Буларнинг барчаси «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизмат сифатини янада яхшилайди.

**Ж. ЭРГАШЕВ**

Матбуот анжумани

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Давлат статистика қўмитаси томонидан «Мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, оммавий ахборот воситалари ва давлат бошқаруви органлари ўртасидаги алоқаларни янада такомиллаштириш бўйича давлат статистика тизимида амалга оширилаётган ишлар» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.**

# Алоқаларни такомиллаштириш йўлида

Анжуманда 2011 йилда тадбиркорлик субъектларига уларнинг ҳуқуқлари, статистика соҳасига оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини тушунтириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали 2148 марта чиқишлар амалга оширилганлиги маълумот учун иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Тизимда тезкорлик, аниқликни таъминлаш ҳамда фойдаланувчилар учун янада қулайликлар яратиш мақсадида расмий веб-сайт орқали интерактив хизмат турларини кенгайтириш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар бир-бир санаб ўтилди.

— Жорий йилда яна 20 дан ортиқ давлат статистика ҳисоботи шаклларини электрон кўринишда ҳамда 2012 йилнинг охиригача 40 дан ортиқ давлат статистика ҳисоботи шаклларини топшириш имконияти яратилади, — деди Давлат статистика қўмитаси Ахборот хизмати раҳбари Акром Султонов.

Анжуманда тизимда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш бўйича келгусида амалга оширилиши мўлжалланган тадбирлар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

**Ўз мухбиримиз**



Фаолиятга
# НАЗАР

Ishonch
2012-yil 17-mart № 34-35 (3072)






# Ўзбекистон темир йўллари ривожланиш жараёнида

**Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Кутлимурот Собиров билан суҳбат**

**— Қутлимурот Собирович, мустақиллик йилларида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Суҳбатимизни шундан бошласак...**

— Иқтисодиётимизнинг қон томири бўлмиш темир йўл тармоғини ривожлантиришга мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан катта эътибор қаратиб келинмоқда. Чунки соҳани изчил ислоҳ қилмасдан туриб муваффақиятга эришиб бўлмайди. Президентимизнинг 1994 йил 7 ноябрдаги «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини тузиш тўғрисида»ги Фармони бу борада айни муддао бўлди. Натижада, янги йўллар қурилишига, тармоқни ривожлантиришга замин яратилди. Тез орада 342 км. узунликдаги Қизилқум саҳроси бағрини тилиб ўтган «Навоий-Учқудуқ-Султонувайстоғ-Нукус» ва 223 км.ли «Аср мўъжизаси» деб ном олган «Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон» янги темирйўл тармоқлари қуриб битказилди. Бу йўлларнинг ишга туширилиши республикамиздаги табиий менералларнинг бош захираларига йўл очди, юртимизда ички транспорт қатновини арзонлаштириш имконини яратди.

Янги йўллар туфайли қўшни давлатлар ҳудудидан ўтишга ҳожат қолмади, натижада кўп миқдордаги валюта маблағлари тежалишига эришилди.

Биргина Навоий вилояти ҳудудида 15 та станция барпо этилди, ўнлаб турар-жой масканлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва мактаблар қад ростлади ва бу ерларда кўплаб янги иш ўринлари бунёд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғловчи Амударё узра қурилган 681 метрли кўприк шарофати билан маҳаллий ва халқаро ташишлар ҳажми кескин ошди, Урганч-Тошкент йўналишидаги поездларнинг йўлда юриш вақти 5,5 соатга, масофа эса 300 км.га қисқарди.

Умуман олганда, мустақиллик йиллари мамлакатимизда 956 км. темир йўллар барпо этилди, бир-биридан мураккаб муҳандислик ечимига эга 94 та кўприклар қурилди.

**— Темирйўлларни электрлаштириш борасида қандай ютуқларга эришилди?**

— Улар ҳақида кўп гапириш мумкин. Мисол учун, 114 км. узунликдаги «Тўқимачи-Ангрен» темирйўл ҳудуди электрлаштирилгач, бу йўлнинг ўтказиш қуввати 1,4 баробарга ортди. Атроф-муҳитга чиқаётган зарарли чиқиндилар ҳажми 1,5 баробарга камайиб, поездларнинг юриш вақти қисқарди.

Сўнгги йилларда «Жиззах-Янгиер» йўналиши бўйича электрлаштирилган икки йўлли ва «Янги Янгиер-Фарҳод» йўналиши бўйича бир йўлли темирйўл тармоғи қурилиши бошланган эди. Яқинда юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар қатновини ташкил этиш лойиҳасининг навбатдаги босқичи — «Янги Янгиер-Даштобод» участкасида электрлаштирилган темирйўл линиясини қуриш ишлари ҳам муваффақиятли тугалланди. Бу жараёнда 4 та кўприк, 189 та сунъий иншоот, 148 та сув қувури, 40 та сув ўтказгич ва битта туннел шаклидаги темирйўл ўтказгич, турли кучланишдаги электр узатиш линиялари, мураккаб муҳандислик қурилмалари бунёд этилди. Ҳозирда Тошкентдан Мароқандгача бўлган йўллар электрлаштирилган, эндиликда Мароқанддан Қарши, Бухоро ҳамда Термизгача бўлган темирйўлларни электрлаштиришга замин яратилмоқда.

**— Йўловчиларни ташиш борасида амалга оширилган ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз...**

— Мустақиллик йилларида поездларда йўловчилар учун ҳар томонлама қулай шароит яратилди. Тошкентдан Самарқандга «Регистон», Бухорога «Шарқ», Қаршига «Насаф» тезюрар поездлар қатновининг йўлга қўйилгани мижозларни ҳар томонлама қулайликларга эга ушбу поездларда тез манзилларига етиб бориш имкониятини бермоқда.

Юртимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Тошкентдан Самарқандга Испаниядан келтирилган «Талго-250» русумидаги ўта тезюрар «Афросиёб» поезди қатновининг йўлга қўйилиши юртдошларимиз учун байрам туҳфаси бўлди. Ушбу йўналишда йўлларни тезюрарга мослаштириш борасида сўнгги икки йил ичида темирйўлчиларимиз жуда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини бажаришди. Масалан, 600 км. йўл қайта тикланди, 68 км. янги темирйўл линиялари ётқизилди. Тошкент, Самарқанд вокзаллари реконструкция қилиниб, жаҳон андозаларига мос равишда тўлиқ жиҳозланди.

**Адҳам ДАМИНОВ**
**суҳбатлашди**

**Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши аъзоларининг компания раҳбарияти билан биргаликдаги йиғилишида тармоқ келишуви бўйича 2011 йилда амалга оширилган ишлар муҳокама этилди.**

# Якунлар — қониқарли, талаблар — асосли

Дарҳақиқат, меҳнат муносабатлари ва у билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда жамоа шартномалари ва келишувларининг аҳамияти беқиёс. Айнан 2011 йил учун 71 та жамоа шартномаси ва битта келишув тузилган бўлиб, улар орқали 80331 нафар темирйўлчилар ва транспорт қурувчиларнинг манфаатлари ҳар томонлама қамраб олинган.

Тармоқ келишуви мажбуриятларининг 2011 йилда бажарилишида темир йўл компаниясида эришилган ютуқлар муҳим омил бўлди. Йил давомида темирйўлчилар томонидан 59,2 млн. тонна халқ хўжалиги юклари манзилларига етказилди, 15,95 млн. йўловчи ташилди. Муҳими корхоналарда меҳнат қилаётган ходимлар, аёллар ва ёшлар, меҳнат фахрийларини ҳар томонлама ҳимоялаш, қулай иш шароитларини яратиш масаласида сезиларли ютуқларга эришилди.

Тармоқда соҳа ишчи-хизматчиларининг дам олишига катта аҳамият бериб келинмоқда. Темирйўлчилар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш учун «Назарбек», «Чимён», «Сиҳатгоҳ» каби санаторий-профилакторийлар ҳамда «Хўжакент» дам олиш маскани йил давомида фаолият юритиб келмоқда. 2011 йилда сиҳатгоҳ ва дам олиш масканига 808 та, санаторий-профилакторийларга 2332 та йўлланма берилди, сув спорт саройига 2283 та чипта тарқатилди. Ёз мавсумида 6888 нафар бола оромгоҳларда соғломлаштирилди. Бу борада Оролбўйи болаларига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, Қўнғирот минтақавий темир йўл узели темирйўлчиларининг 250 нафар фарзанди Қўнғирот профилакторийсида, 214 нафари «Қибрай» оромгоҳида дам олдирилди. Компания томонидан ажратилган 10 млн. сўм маблағ ҳисобига Оролбўйи темирйўлчиларининг 84 нафар фарзанди «Қибрай» оромгоҳида бепул ҳордиқ чиқаришди. Темирйўлчилар ва транспорт қурувчиларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида йўлланмаларнинг 1990 донаси бепул тарқатилди.

Касаба уюшмалари спорт, маънавий-маданий тадбирларга ҳам катта эътибор қаратди. Биргина ижтимоий соҳа муассасалари фаолияти учун 59 млрд. сўм миқдорда маблағ сарфланди.

Келишув шартлари чуқур таҳлил этилиб, келгусида иш ҳақларининг белгиланган муддатларда берилиши, пенсионерларга моддий ёрдам кўрсатиш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига тўлиқ риоя этиб, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга эътиборни кучайтириш ҳақида ҳам гап борди. Сўзга чиққанлар томонидан айтилган фикрлар инобатга олинган ҳолда галдаги вазифалар белгилаб олинди.

**Д. АДҲАМОВ**

**«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖда 2011-2012 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2011 йилда бажарилишига бағишланган конференция бўлиб ўтди.**

# Жамоа манфаатлари устувор



«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ соҳа ходимларининг асосий вазифаси вокзалларда, поездларда йўловчиларга юқори даражада хизмат кўрсатиш, йўловчи поездларни яхши тайёргарликдан ўтказган ҳолда рейсларга қўйиш, вагонларни ва ундаги жиҳоз ҳамда шароитларни замонавий талаблар асосида янгилаб бориш, вокзалларда йўловчилар учун барча қулайликларни яратишдан иборат. Шу орқали биз ўз поездларимизга кўпроқ мижозларни жалб қила оламиз. Хўш, бу вазифаларни қандай бажаряпмиз? 2011 йилда поездларимизда 15,9 млн. йўловчини манзилларига етказиб қўйдик. Халқаро ташишларда ҳам йўловчилар оқими сезиларли ошди. Ўз навбатида жамоамиз даромадни ҳам кўпайтирди. Даромадга қараб буромад деганларидек, кўрилган фойданинг бир қисми ходимларимиз ва уларнинг оила аъзолари манфаати учун сарфланмоқда.

Жамоа шартномамиз 16 бўлим ва 157 банддан иборат бўлиб, уларнинг барчаси 2011 йилда тўлиқ бажарилди. Ишчиларга иш ҳақи ва меҳнат таътилига чиқишдаги пуллари ўз вақтида тўланди. 2010 йилда корхонамизда ўртача маош 346 минг 18 сўмни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 461 минг сўмни ташкил этди.

Кам таъминланган эҳтиёжманд оилаларнинг 480 тасига 27 млн. сўмдан ортиқ моддий ёрдам берилди. Бу борада тушган аризалар қисқа вақт ичида ўрганилиб, эгаларига ўз вақтида жавоб бериб борилди.

Йил давомида бирлашган касаба уюшма қўмитамиз томонидан меҳнат қонунчилигига риоя қилиш, меҳнат муҳофазаси ва ишчиларни сифатли кийим-кечак билан таъминлаш масалалари назорат қилиб борилди. Меҳнатни муҳофаза қилишга 334,5 млн. сўм маблағ сарфланди.

Шунингдек, йил давомида 1250 нафар пенсионерга 168,5 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Меҳнат таътилига чиққан ишчи-хизматчиларимизга даволаниш ва соғликларини тиклаш учун 1 млрд. 453 млн. 532 минг сўм миқдорида ёрдам пуллари ажратилди.

Ўтган йили ишчи-ходимларимиздан 281 нафари сиҳатгоҳлар ва дам олиш масканларида ўз соғликларини тиклашди. Ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида темирйўлчиларнинг 419 нафар фарзанди дам олдирилди.

Юртимизда темир йўлларида ҳаракатланаётган ўта тезюрар «Афросиёб» поездида ҳар томонлама билимли, чет тилларни биладиган зукко ёшлар хизмат кўрсатмоқда.

Йил давомида мунтазам спорт мусобақаларини уюштиришга ҳам катта эътибор қаратдик. Байрамлар ҳам муносиб равишда тантанали ўтказилди.

Жамоа шартномаси бизнинг фаолиятимиз учун асос бўлиб хизмат қилади. Касаба уюшма аъзоларимиз манфаатини ҳимоялаш бундан буён ҳам асосий мақсадимиз бўлиб қолаверади.

**Исомиддин ҲАМРОЕВ,**
**«Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акционерлик жамияти бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

# Ғолиб касаначилар

***Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ўтган йилнинг баҳорида эълон қилинган «Энг яхши касаначи аёл» кўрик-танлови ниҳоясига етди.***

Ўзбекистон темирйўлларининг «Бухоро», «Қўқон» минтақавий темирйўл узелларида, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси, «Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи» ОАЖ, «Андижон механика заводи» шўъба корхонаси, йўловчи вагонларни рейсга техник ва технологик тайёрлаш депоси ҳамда «Бухоро» локомотив деполарида касаначилик фаолияти соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Жойлардаги касаначилик билан шуғулланувчилар ўзларига яратилган қулай шароит ва тегишли материал ҳамда хомашёнинг ўз вақтида етказиб берилаётгани туфайли катта ҳажмдаги ишларни бажаришмоқда.

Кўрик-танловда «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси касаначиси Наталья Галкина энг юқори кўрсаткичга эришганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу меҳнаткаш аёл 2011 йилда умумий қиймати 33 млн. 211 минг сўмлик маҳсулот — локомотив агрегатлари учун ҳар хил брезент, ўриндиқ ғилофлари тикиб берди.

Шунингдек, «Андижон механика заводи» шўъба корхонасидан касаначи Маҳфуза Юсупова фаолияти ҳам эътироф этилди. У сўнгги беш йил ичида умумий қиймати 3 млн. 304 минг сўмлик маҳсулот — ишчилар учун махсус кийим-кечак ва қўлқоп тикишга муваффақ бўлди.

— Шуни мамнуният билан айтиш керакки, бундай қўли гул аёлларимиз меҳнати билан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар мамлакатимиз ҳудудидагина эмас, балки ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам локомотив ва йўловчи вагонларга ўрнатилаётир, — дейди Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бўлим мудири Шермат Бегматов.

Кўрик-танлов ғолиблари муносиб тақдирланди. Бундан руҳланган касаначилар Мустаҳкам оила йилида янада ғайрат билан ишлашга сўз бердилар.

**Ўз мухбиримиз**

## «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти маъмуриятлари ҳамда касаба уюшма ташкилотлари

Барча юртдошларимизни табиатнинг уйғониш фасли бўлмиш Наврўзи олам билан муборакбод этади. Янгиланиш фасли хонадонингизга қут-барака, фаровонлик ва шодлик олиб келсин!



«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

# Гўзал қалб соҳиби



Инсоннинг ҳусниҳати қанчалик чиройли бўлса, унинг қалби, ички дунёси ҳам шунчалик гўзал бўлади, деган гап бор. Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири Яраш ака Норовнинг дастхатини кўрган киши бу гапнинг нақадар тўғрилигига амин бўлади. Дарҳақиқат, Яраш ака фидойи, меҳнатсевар, инсонпарвар қалб соҳиби. Касаба уюшмалари соҳасида узоқ йиллардан бери самарали ишлаб келаётган устознинг меҳнатлари муносиб қадр топди. Яраш Норовга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Эҳтиром» нишони топширилди...

Яккабоғ туманининг Болғали қишлоғида деҳқон оиласида туғилган қаҳрамонимиз олти ёшидан ўрта мактабнинг биринчи синфига ўқишга борди. Илмга чанқоқлик, адабиётга қизиқиш, фан чўққилари сари интилиш ўқувчилик йиллариданоқ кўзга ташланди. Ёзган шеърлари туман газеталарида чоп этила бошланди. Отаси Абди бобо фарзандларининг яхши ўқишини истар ва уларни бу йўлда тинимсиз руҳлантириб турарди. Бунинг натижаси ўларoқ, олти ўғил ва бир қизнинг барчаси турли олий ўқув юртларида намунали таҳсил олишди. Тўнғич ўғил Абдураҳмон Тошкент халқ хўжалиги (ҳозирги иқтисодиёт университети) институтини тугатиб, кўп йиллар иқтисодчи лавозимида ишлади. Абдураим Тошкент педагогика институтини тамомлаб, ҳаётини ёш авлодга таълим-тарбия беришга бағишлади. Бригада бошлиғи бўлиб кўпчиликка ибрат кўрсатди. Укалари Тўра ва Абдурашид тиббиёт соҳасини танлашди, синглиси Ойқиз ҳам ўқитувчилик заҳматини ҳаёт мазмуни деб билди. Яраш аканинг ўзи эса 1965-69 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида (ҳозир университет) таҳсил олди. Ўқишни тугатиб, ўзи ўқиган ўрта мактабда математика фанидан сабоқ бера бошлади.

### Меҳнатни севиш саодати

Ҳаммаси бир маромда кетаётганди. Яраш Норов ўз касбини яхши кўрар, юқори синф ўқувчиларига алгебра ва геометриядан дарс ўтарди. Бироқ 1981 йилда акаси Абдураимнинг автоҳалокат туфайли ҳаётдан кўз юмиши бутун оилани гангитди. Айниқса, Яраш ака ўзини анча олдириб қўйди. Ака-укалар маслаҳатлашиб, «дардни бироз унутсин», деган мақсадда Ярашни Қаршида ишлашга кўндиришди. Норов вилоят халқ таълими бошқармасига ишга ўтди. Меҳнат таълими бўйича инспектор бўлиб фаолиятини бошлаганида вилоятда 24 та ўқув ишлаб чиқариш комбинати бор эди, Яраш аканинг саъй-ҳаракати билан бу кўрсаткич уч йилда 58 тага етди. Я.Норовга «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» унвонини беришди. Таълим мактаблари бўйича мудир бўлиб ишлаган пайтида кўпгина муассасаларда ўқувчилар бригадаси тузилди, қўшимча маблағ ишлаб топиш йўлга қўйилди. У халқ таълими бошқармасида ишлаган кезларида ўқувчиларнинг ўрта маълумот билан бирга бирор ҳунар эгаллашини жуда-жуда истаган ва бунинг учун ўқув ишлаб чиқариш комбинатларини кўпайтиришга катта ҳисса қўшган эди.

— Мустақиллик орзуларимизнинг бекаму-кўст амалга ошишини таъминлади, — деди устоз қалби қувончга тўлиб. — Илгари ўрта мактабни тугатган ўқувчи оддийгина битирувчига айланарди. Бугун касб-ҳунар коллежларини тамомлаётган ёшлар бемалол бирор корхонада ишлашга қодир кичик мутахассислар ҳисобланади ва давлатимиз ҳам уларнинг ишга жойлашиши учун барча чора-тадбирларни кўраяпти.

Суяги шу соҳада қотган эмасми, Яраш Норов таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раис ўринбосари бўлиб ишлаган даврида педагогларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш тадбирларига катта эътибор қаратди. Касаба уюшма ишида ўнлаб ёшларга устозлик қилди. Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида забардаст касаба уюшма фаолларига айланган Шодмон Кубаев, Шерзод Йўлдошев, Анвар Хўжақулов, Козим Атабоев, Жамила Тўрақулова ва бошқалар Яраш Норовни ўзларига устоз деб билишади.

Я.Норов ўн икки йилки, Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ташкилий ишлар бўлими мудири лавозимида ишлаб келмоқда. Барча бўлим мудирларидан режадаги ишлари юзасидан ҳисоботларини олади, уларга юқори ташкилотлар қарор ва буйруқларини етказади, бошланғич ташкилотлар етакчиларига ўқув чоғида касаба уюшма ишини ташкил этишда амалий ёрдам беради. Ёш кадрларга эринмасдан ўргатади. Барчадан ишга виждонан ёндашишни, сидқидилдан ишлашни талаб қилади.

### Оиланинг бахти

Яраш аканинг оиласига барча ҳавас билан қарайди. Турмуш ўртоғи Чинни опа Қувондиқова ўқитувчиликдан нафақага чиқди.

Катта қизи Гавҳар бошланғич синф ўқитувчиси. Ҳулкар Қарши педагогика коллежида таълим беради. Ҳилола ҳисобчи-статист, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида ишлайди. Мунира Қарши Давлат университетида чет тиллар йўналишида ўқиган. Таржимонлик билан ҳам шуғулланади. Яна бир қизи Мунożот эса ота касбини танлаган. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмитасида ташкилий ишлар бўйича мутахассис. Хуршида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида учинчи, ўғли Азизбек эса Қарши Давлат университетида биринчи босқич талабаси. Азизбек Норовнинг бир қатор ҳикоялари республика матбуотида чоп этилган. Ёш адиб айни пайтда «Қашқадарё» газетасида мухбирлик ҳам қилмоқда.

Яраш аканинг оиласида адабий муҳит ҳукмрон. Деярли ҳар бир оила аъзоси шеър ёзади, бўш вақтлар ўқилган китоблар муҳокамаси билан ўтади.

### Эъзоз

Яраш Норовнинг самарали меҳнатлари муносиб баҳосини олди. У Республикасимиз мустақиллигининг 15 ҳамда 20 йиллиги эсдалик нишони билан тақдирланган. Касаба уюшмаларининг «Эҳтиром» нишони ҳам кўксига ярашиб турибди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши

Ўзбекистон халқини ва тармоқ ходимларини уйғониш, яшариш, янгиланиш ҳамда эзгу умидлар рамзи бўлган

НАВРЎЗ АЙЁМИ

билан қизғин қутлайди. Қалбингизни баҳорий кайфият асло тарк этмасин!



Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши

Эл саломатлиги йўлида фидокорлик кўрсатаётган қалби дарё шифокорларни, серқуёш Ўзбекистонимизнинг кекса-ю ёшини муборак айём — Наврўз байрами билан табриклайди.
Барча юртдошларимизга мустаҳкам соғлик, узоқ умр, Ватан бахт-саодати йўлидаги улуғвор ишларида юксак муваффақиятлар тилайди.
Мустаҳкам оила йилида бошлаган ҳар бир хайрли ишингиз омадли бўлсин!



Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи касаба уюшма қўмитаси

Ўзбекистон халқини орзу-умидлар айёми – Наврўзи олам билан самимий қутлайди.
Юртимиздаги барча миллат вакилларига тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайди.
Ҳар бир оилани қут-барака ва хотиржамлик асло тарк этмасин!



Омон бўлинг,
# МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2012-yil 17-mart № 34-35 (3072)

## Баҳор ташрифи

Сен кўнгилнинг самовий рақси
Зеби жаҳон кўркининг нақши,
Сен фаришта, мен куйчи бахши —
Баҳор бўлиб келганинг яхши

Қаҳратондан қақшади жоним,
Соғинчларга ташлади ғаним.
Ташрифингдан яшнади таним —
Рафтор бўлиб келганинг яхши.

Ғолиб туғдай адирлар алвон,
Чучмомалар уради жавлон
Жилвасида жаннату ризвон —
Бедор бўлиб келганинг яхши.

Ҳар гиёҳда висол хислати,
Ҳар қиёқда завол қисмати.
Сен ғанимат дийдор нисбати —
Дийдор бўлиб келганинг яхши.

Шўх нозларинг иффор насимли
Гул юзларинг бунча ёқимли,
Бол сўзларинг ғунча тотимли —
Дилдор бўлиб келганинг яхши.

Эй фасли гул, фасли мастона,
Эртаклардан келган афсона
Малаксиймо, қадди Руҳшона —
Зуннор бўлиб келганинг яхши.

Таърифингга қўшмадим пардоз,
Қадамингга қуёш пойандоз.
Сен мангу ишқ, туғёндаги соз —
Баҳор бўлиб келганинг яхши.

Нуруллоҳ ДОСТОН



Ўқинг, амал қилинг: ўзингизга фойда



# ТАБИАТНИНГ ЭНГ БЕБАҲО АСАРИ

«Бошингни совуқ, оёғингни иссиқ тут, шунда сен энг зўр табибни ҳам қашшоқ қила оласан».

***

Қўл ювиб юрсанг, нима ейишингни биласан,
Тил тийиб юрсанг, нима дейишингни биласан.

**Алишер Навоий**

***

Шарқ элининг донишманди, ахлоқ илмининг отаси Луқмони Ҳаким айтади:

— Барча юкни кўтардим, аммо бурчдан оғирроқ юкни кўрмадим. Барча лаззатни тотиб кўрдим, аммо саломатликдан чучукроқ лаззатни тотмадим. Энг ширин лаззат — сиҳат-саломатликда эканини англадим.

***

Бир табиб ёнига келиб, бир инсон
Демиш: қорним қур-қур қилади чунон,
Ҳазм бўлмайди ҳеч еган овқатим.
Деди: ҳазм қилиб, сўнг е-да нодон.

**Абдуқодир Бедил**

***

Ит ва эшак ҳайвон бўлишига қарамай, касал бўлиб қолишса тузалгунларича ҳеч нарса емайди, овқатга эътибор ҳам қилмайди. Аммо шундай одамлар борки, касал бўлиб қолишгач, шифокор зарар келтирувчи овқатдан ўзни тийишни тавсия қилсада, барибир еяверадилар. Аввал ялиниб ейдилар, сўнг дўқ қилишга ҳам ўтилади, ҳеч нарса чиқмаса, ҳеч кимга кўрсатмай хилватда ейдилар.

**«Жовидони хирад»дан**

Бу йилги баҳор кечиккандай кўринади. Шунга қарамай, кўча-кўйда бош кийимсиз ёки бўлмаса, енгил кийиниб олган ёш-яланграрни кўплаб учратиш мумкин. Нима бу, чиниққанлик белгисими ёки...

«Тани соғлик шундай махфий давлатки, қадрини ундан айрилган кишилargина билади» дейилади араб ҳикматларида.

Шифокорнинг вазифаси даволашдан кўра касалликларнинг олдини олиш, кишини ўз соғлиғини асрашга ўргатишдан иборат. Бизнинг ҳам заҳматкаш касб эгаларига ёрдам бергимиз келди. Бугунги саҳифамизда донишмандларнинг сиҳат-саломатлик ҳақидаги қимматли фикрларини эътиборингизга ҳавола этишни ният қилдик. Бу ҳикматлар зора сизнинг ўз соғлиғингиз ҳақида қайғуришингизга туртки бўлса.

***

«Мушук текинга офтобга чиқмайди» деб бежиз айтишмайди. Ҳақиқатан ҳам мушукнинг офтобда исинишида ҳикмат бор экан. Тарихий манбаларда келтирилишича, кунларнинг бирида даниялик шифокор Нильс Финзен қўшнисининг томида — мўрининг ёнида исиниб ётган мушукнинг хатти-ҳаракатини кузатди. Мушук мўри сояси тушиши билан ўрнидан туриб, яна офтоб тушадиган жойга ётиб оларди. Финзен мушукнинг бу ҳаракатини кўриб, қуёш нурининг тирик организмга таъсирини ўрганишга киришди ва ундан кишиларни даволашда фойдаланди. Нильс Финзен бу ғояни муваффақиятли амалга оширганлиги учун 1903 йили Нобел мукофотига сазовор бўлди.

Баъзан, ўз соғлиғининг қадрини билмай, уни ичиш ва чекиш каби иллатларга бой бераётганларни кўриб: тавба, бу одамнинг ҳатто мушукчалик ҳам ақли йўқмикин, — деб ўйлаб қоласан киши.

***

1738 йили машҳур голланд ҳакими Герман Бурхаве вафот этгач, унинг муҳрланган буюмлари орасидан «Табобат» деб номланган қалин китоб топилди. Бу китоб ким ошди савдоси билан олтин ҳисобида 10 минг долларга сотилди. Муҳр бузилиб, китоб очилганида унинг саҳифаларига ҳеч нима ёзилмаганлиги маълум бўлди. Фақат илк варақдагина шундай сўзлар ёзилган экан:

Афлотундан сўрадилар:

— Денгизда жуда кўп саёҳат қилдинг, шу саёҳатингда кўрган энг ажойиб нарсани бизга сўзла.

Афлотун деди:

— Энг ажойиби шуки, ниҳоят соҳилга соғ-саломат чиқдим.

***

Киши учун саломатлик керак, молдунё эса топилади. Қушга ҳаёт керак, дон эса топилади. Инсон тирик бўлса, унинг тилаги равшандир, жон ва бош омон бўлса, орзу яқиндир.

**Абу Наср Форобий**

***

Айтишларича, Ахжож табиблардан илтимос қилиб, деди:

— Менга саломатлик учун зарур бўладиган нарсалардан айтсангиз, токи табиб ва дориларга ишим тушмасин.

Табиблар унга қуйидагича жавоб бердилар:

— Бирор касалингиз бўлмаса яна ҳам яхшироқ бўлай деб беҳуда дори ичманг, пишиб етилмаган мевалардан еманг, овқатни майдалаб чайнашга уринингг, нимаики ёқса ўшандан тановул қилинг, овқатдан сўнг совуқ сув ичманг, қорнингиз тўқ бўлса устигаустак овқат еманг, кундузи овқат егандан кейин ухламанг, кечаси еганда эса, дарров ётиб олмай, бир оз у ёқдан бу ёққа юринг.

Билингки, тўрт нарса кишининг баданини семиртириб, кучли қилади: гўштни кўп ейиш, чиройли нарсаларга тикилиш, чўмилиш ва саёҳат қилиш.

Уч нарса кўз нурини оширади: ухлаш олдидан кўзга сурма тортиш, сабзазорларга тикилиш, покиза либос кийиш.

Уч нарса кўз нурини камайтиради: душманни кўриш, хунук нарсаларга, нурга тикилиш.

Тўрт нарса кишини оздиради: шаҳватга эрк бериш, ортиқча ғам тортиш, эрталаб кўп сув ичиш, шўр ва аччиқ нарсани ейиш.

**Абдулҳақ ибн Сайфиддин ал-Қодир ад-Деҳлавий**

***

Донодан сўрадилар:

— Инсон учун ҳаётда энг қимматли ва энг муҳим нарса нима, бойликми ёки шон-шуҳратми?

— На бойлик ва на шуҳрат инсонни бахтли қила олади. Касалманд шоҳдан соғлом гадо бахтлидир.

**А.Шопенгауэр**

***

Ўзини очкўзлик ва бузуқликдан сақлай билган киши энг мард одамдир.

Арастудан:

— Сизнинг бошқалардан фарқингиз нима? — деб сўрабдилар.

— Баъзи кишилар фақат овқат ейиш учун яшайдилар, мен эса яшаш учун овқат ейман, — дебди у.

***

Шоҳ Баҳром мадрасадан қайтаётганида сарой олдида ўтирган бир чолга рўпара келибди. Қария ниҳоятда юпун кийинган, чопонининг астар-авраси ағдарилиб кетган, кўринишидан хастага ўхшарди.

— Ассалому алайкум, ота, — дебди Баҳром бир танга узатиб. — Бетоб кўринасиз, юринг мен билан, ҳакимга кўрсатай.

Чол кўзига ёш олибди, қўлини очиб, узоқ дуо қилибди:

— Хайр-эҳсонинг мушкулимни осон қилмаса ҳам, ширин сўзинг кўнглимни тоғдек кўтариб юборди, ўғлим, — дебди у чеҳраси очилиб.

**Донолар бисотидан**

***

Ўтириб ишласанг, туриб дам ол. Ўз олдингга улуғ бир мақсад қўйган бўлсанг, бу йўлдаги машаққатни дам олиш деб бил.

**Эрон мақоли**

Агар соғлиғингда югурмасанг, касаллигингда югурасан.

**Гораций**

Бир ишёқмас бемор бўлиб, ётиб қолибди. Табиб келганда уни боласи елпиб ўтирган экан. Шунда табиб:

— Ўзини ўзи елписин, шояд мушаклар ҳаракатга келиб, қонлар юришиб кетса, — дебди.

**Зол-Зар**

Беш хил аёллар учун азият чекса арзийди: олижаноб, покиза ва гўзаллар учун;

ақлли, қаноатли, иффатли, вафолилар учун;

бутун ҳаракатларини ўйлаб қиладиган, эрининг борида ҳам, йўғида ҳам ҳурматлаб ўзини ва номусини сақлаганлар учун;

яхши ва ёмон кунларда фидокор бўлишни ўзларига шиор қилиб олганлар учун;

юзидан кулги аримайдиган, тили ширин, қўли баракали, қадами қутлуғ бўлганлар учун.

**«Калила ва Димна»дан.**

**Назира БОЙМУРОДОВА тайёрлади**




Футбол



*Ва ниҳоят, орзиқиб кутилган футбол бўйича XXI Ўзбекистон миллий чемпионати бошланди.*

## Чемпионат старт олди

Биринчи учрашув Олмалиқ шаҳрида кечди. Унда «Олмалиқ» ва «Нефтчи» жамоалари муроса кўчасини танлашди: 0-0.

Самарқанд шаҳрида ўтказилган маҳаллий «Динамо» ва Қаршининг «Насаф» клублари ўртасидаги учрашувда эса «аждарлар» Жаҳонгир Жиямуродов (18-дақиқа, пеналти), Носир Отақўзиев (76-дақиқа) томонидан киритилган голлар эвазига ғалаба қозонди.

«Бухоро» ўз уйида «Пахтакор»ни қабул қилиб, мағлубият аламини тортди. Учрашувдаги ягона голга «шерлар»нинг черногориялик легионери Санибал Ораховац (24-дақиқа) муаллифлик қилди.

«ЖАР» стадионида ўтказилган «Бунёдкор» ва «Машъал» клублари ўртасидаги баҳсда мезбонлар Артём Филипосяннинг қўшиб берилган дақиқада киритган голи эвазига ғалабага эришди.

Турнир жадвалида ҳозирча «Насаф» карвонбошилик қилмоқда.

Шахмат



*Пойтахтимизда биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган «Тошкент опен» VI халқаро шахмат турнири ниҳоясига етди.*

## Қуруқ қолмадик

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, юртимиз шахмат федерацияси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган мусобақада юртимиз вакилларидан ташқари Россия, АҚШ, Беларус, Молдова, Озарбойжон, Украина, Исроил, Грузия, Индонезия, Шри-Ланка, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон каби давлатлардан ташриф буюрган шахматчилар ғолиблик учун дона суришди.

Швейцария усулида тўққиз турдан иборат бўлган мусобақада россиялик Максим Туров биринчи, грузиялик Михаил Мчедишвили иккинчи, ҳамюртимиз Антон Филиппов учинчи ўринни эгаллади.

Хотин-қизлар ўртасида энг кўп очко жамғарган Нафиса Мўминова ҳамда фахрийлар ўртасида Владимир Егинга махсус совринлар топширилди.

Дзюдо



*Пойтахтимиздаги «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасида дзюдо бўйича мамлакат чемпионати ўз якунига етди.*

## Йўлланма тикилганда

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан ташриф буюрган 536 нафар полвон ғолиблик учун татамига чиқди. Мусобақа апрел ойида юртимизда ташкил этиладиган Осиё чемпионатига йўлланма тақдим этиши боис ҳам қизғин кечди.

Бухоролик Ҳамид Мўминов (66 кг.гача), самарқандлик Арсен Бабаян (73кг.гача), хоразмлик Диёр Ўразбоев (60 кг.гача) каби полвонлар ҳам ўз вазн тоифаларида тенгсиз эканликларини исботладилар.

Пойтахт вакили Шуҳрат Арслонов (81 кг.) финалда самарқандлик Мўмин Набиевни мағлубиятга учратган бўлса, бухоролик полвон Эркин Дониёров 91 кг.да барча рақиблари курагини ерга теккизди. Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган Сойиб Қурбонов (100 кг.ча) сўнгги баҳсда сурхондарёлик Ҳамиджон Убайдуллаевни мағлубиятга учратиб, чемпионликка эришди. 100 кг.дан ортиқ вазнда татамига чиққан Ўткир Саломов хоразмлик полвон Болтабой Болтабоев устидан финалда ғалаба қозониб, ғолиблик нашидасини сурди.

Мутлақ вазн тоифаси беллашувларида эса тажрибали полвон Шерали Жўраев (Тошкент шаҳри)га тенг келадигани топилмади.

Аёллар ўртасида Нодира Гулова (Самарқанд, 48 кг.гача), Дилдора Убайдуллаева (Андижон, 52 кг.гача), Шоира Машарипова (Тошкент шаҳри, 57 кг.гача) ҳамда Роза Дуктарбаева (мутлақ вазн) олтин медални қўлга киритдилар.

Кураш



*Пойтахтимизда жойлашган «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасида дзюдо бўйича мамлакат чемпионати якунига етди.*

## Бели бақувватлар

Наманган вилоятида бел олиш кураши бўйича 1996-97 йилларда таваллуд топган ўғил болалар ва қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Мусобақада мезбонлардан ташқари Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Сурхондарё, Навоий, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан келган жами 339 нафар (108 нафари қизлар) ғолиблик учун гиламда чиқди.

Ўғил болалар ўртасида Шокир Мардонов (Тошкент шаҳри, 35 кг.), Аҳмадали Тожибоев (Наманган, 60 кг.), Азамат Ҳолиқов (Навоий, 77 кг.), Раҳмонберди Эшпўлатов (Тошкент шаҳри, +77 кг.) ҳамда фарғоналик Ҳусниддин Ваҳобов (38 кг.), Омад Қаҳрамонов (42 кг.), Темур Сулаймонов (46 кг.), Муҳаммадмустафо Раимов (50 кг.), Жаҳонгир Мамажонов (55 кг.), Қаҳрамон Бойдадаев (71 кг.), Улуғбек Худойберганов (65 кг.), Алишер Ҳотамов (мутлақ вазн) ўз вазн тоифаларида барчадан кучли эканликларини исботлашди.

Ўсмир қизлар ўртасида наманганлик Маҳлиё Йўлдошева (33 кг.), Мунира Каримова (40 кг.), Матлуба Ҳайдарова (48 кг.), Мухлиса Абдумаликова (52 кг.), Шаҳноза Аҳмаджонова (57 кг.), Нилуфар Мирзаева (мутлақ вазн) олтин медални қўлга киритган бўлса, қолган вазн тоифаларида Мухлиса Қамбарова (Навоий, 36 кг.), Гулсанам Акмалжонова (Фарғона, 44 кг.), Ҳаётхон Жўрабоева (Фарғона, +63 кг.) шоҳсупанинг энг юқорисидан жой эгаллади.

**Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири**

Касаба уюшма спорти

## Зукколар беллашуви

*Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан Мустаҳкам оила йилига бағишланиб, хотин-қизлар ўртасида шахмат ва шашка бўйича мусобақа ташкил этилди.*

Пешқадамлик учун бирлашма тасарруфидаги 13 та даволаш профилактика муассасаларида ўтган дастлабки босқич ғолиблари дона суришди.

Шашкачилар баҳсида кўп тармоқли марказий поликлиника врачи Зулфия Тўхтаева ғолиб чиққан бўлса, 2-сонли болалар шифохонаси ҳамшираси Сурайё Шониёзова иккинчи, шаҳар тиббиёт бирлашмаси вакили Сайёра Абраева учинчи ўриндан жой олди.

Қизиқарли ўтган шахмат мусобақасида 3-сонли катталар поликлиникаси ҳамшираси Марҳабо Рустамова биринчи, шаҳар тиббиёт бирлашмасидан Махфират Хушвақтова иккинчи, кўп тармоқли марказий поликлиника ходимаси Дилфуза Тиловова учинчи поғонани банд этди.

**Суюн ТОШАТОВ, Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

Давлат муассасаслари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши жамоаси вилоят кенгаши бош ҳисобчиси Раъно Бобожоновага онаси

**РАЖАББИБИ** аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

O'KUF FTUU

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib)

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99894 226 28 84;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2012@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
N. Rafiqov

Navbatchi:
U. Ibodinov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 00. 20
Topshirildi - 01.40

Buyurtma Г — 311

23549 nusxada bosildi

1 2 3 4 5